



UNIVERSITY OF
WESTMINSTER



Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзивлик: илғор амалиётлар бўйича қўлланма

МУНДАРИЖА

1. Аннотация ва ташаккурнома.....	3
2. Қўлланма контексти.....	4
3. Қўлланма мақсади ва вазифалари.....	6
4. Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзияни ривожлантириш.....	6
4.1 Устувор йўналишлар.....	6
4.2 Инклюзив олий таълим: стратегия ва сиёсат.....	7
4.2.1 Стратегия.....	8
4.2.2 Сиёсат.....	9
4.2.3 Мавжуд амалиётлар.....	10
4.3 Инклюзив олий таълим: инклюзив таълим дастурлари.....	12
4.4 Инклюзив олий таълим: талабаларни қўллаб-қувватлаш ва қулай шароит.....	16
4.5. Инклюзив олий таълим: ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонлар билан ишлаш.....	21
4.6 Инклюзив олий таълим: халқаро мавқени ошириш	23
4.7 Инклюзив олий таълим: амалиётга жорий этиш.....	24
5. Инклюзив олий таълим манфаатдор томонларини аниқлаш.....	25
5.1 Ўзбекистондаги ихтисослашган ташкилотлар / инклюзия бўйича тренинг хизматларини таклиф этувчи ташкилотлар.....	25
5.2 Олий таълимда инклюзивлик масалалари билан шуғулланувчи Буюк Британия ташкилотлари.....	25
Библиография, қўшимча адабиёт ва ресурслар рўйхати.....	26

1. Аннотация ва ташаккурнома

Ушбу қўлланма 2022 йилда Ўзбекистондаги Британия Кенгаши, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) ва Лондондаги Вестминстер университети томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (ОТВ) билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмагида йўлга қўйилган **Инклюзив университет ташаббуси** (ИУТ) доирасида яратилган. У **Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзияни янада такомиллаштиришни** қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, мазкур қўлланма ташаббус доирасида Вазирлик ҳузурида ташкил этилган миллий **Инклюзив университет бўйича ишчи гуруҳ** фаолиятининг (**ИУИГ**) маҳсулидир.

Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги йирик олий таълим (ОТ) ҳамкорлари, Буюк Британия олий таълимини таклиф этувчи трансмиллий таълим (ТМТ) муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ўзаро мулоқот натижасида яратилган. Қўлланмада келтирилган маълумотлар юқорида қайд этилган ва бошқа ташкилотларнинг бой тажрибасига, ҳамда Ўзбекистондаги бир қатор олий таълим муассасалари билан маслаҳатлашувларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Қўлланмада келтирилган амалиётлар ва тавсиялар Ўзбекистон ҳамда Буюк Британиянинг ижтимоий-маданий, таълим ва қонунчилик контекстларини акс эттирувчи ёндашувларни бирлаштиради. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инклюзияни ривожлантириш жараёнида миллий қонунчиликдаги ўзига хосликлар, ижтимоий-маданий хусусиятлар ва таълим муҳити, жамиятдаги долзарб ҳамда нозик масалаларни инobatга олиши лозимлигини эътироф этади. Қўлланмада инклюзив таълим стратегияси ва сиёсатида доир контекстга хос илғор амалиётлардан, хусусан, таълим дастурларида инклюзия тамойилларини инobatга олиш, талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзия, инклюзив таълим учун зарур восита ва технологиялар ҳамда инклюзив таълимни йўлга қўйишда ташқи манфаатдор томонлар ва тизимлар билан ишлаш бўйича илғор тажрибалардан мисоллар келтирилади. Қўлланма инклюзив таълимни амалга ошириш жараёни модели, библиография, фойдаланиш учун қўшимча адабиётлар ва ресурслар рўйхатидан иборат. Мазкур қўлланма манфаатдор томонлар билан доимий муҳокама қилинувчи ва қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган жонли ҳужжат сифатида тақдим этилади.

Қўлланмада **инклюзив олий таълим** деганда фарқларни тан олувчи, камситилишни инкор этувчи ҳамда ҳамма учун тенг имкониятлар ва фойдаланиш ҳуқуқини рағбатлантирувчи барча олий таълим амалиётлари тушунилади. Олий таълимда инклюзия барча талабалар учун “келиб чиқиши, демографик хусусиятлари ёки

ҳозирги вазиятидан қатъи назар, муваффақиятга эришиш учун тенг имкониятга эга бўлиш”¹га имкон беради.

Ишчи гуруҳ Қўлланма яратилишида ўзининг қимматли фикри, материаллари ва вақтини ажратган барча ҳамкасблар, муассаса ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Қисқартмалар рўйхати:

ТХИ - Тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия

ОТ - Олий таълим

ОТМ - Олий таълим муассасаси

ИУТ - Инклюзив университет ташаббуси

ИУИГ - Инклюзив университет бўйича ишчи гуруҳ

ОТФИБ - Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

БРМ - Барқарор ривожланиш мақсадлари

ТМТ - Трансмиллий таълим

2. Қўлланма контексти

Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва **инклюзив олий таълимни (ОТ)** ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида 2022 йилда Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) ва Лондондаги Вестминстер университети томонидан **“Инклюзив университет ташаббуси”** (ИУТ) йўлга қўйилди. Ушбу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (ОТФИБ) билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмагида амалга оширилиб келинмоқда. 2022 йил май ойида ташкил этилган “Инклюзив университет сари – Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш” конференцияси мазкур ташаббус учун дебоча сифатида хизмат қилди. Конференция доирасида аёллар учун имкониятларини кенгайтириш ва қизларнинг таълим олиши ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар вакилларининг таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга доир масалалар муҳокамасига бағишланди.

¹ <https://www.qaa.ac.uk/membership/collaborative-enhancement-projects/equality-diversity-and-inclusion/the-inclusive-education-framework>

Конференциядан яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида илғор тажрибалар билан алмашилиш ва инклюзив олий таълим бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий **инклюзив университет бўйича ишчи гуруҳ (ИУИГ)** ташкил этишга келишиб олинди. Ишчи гуруҳнинг қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши белгилаб ўтилди:

- **Олий таълим муассасаларининг ривожланиш стратегияларига инклюзия тамойилларини сингдириш**
- **Ўқув дастурлари ва таълим йўналишларини ишлаб чиқишда инклюзия тамойилларини инобатга олиш**
- **Талабалар учун инклюзив қўллаб-қувватлов масалалари**

Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзия олий ўқув юртларининг ўқув-илмий ва маданий ҳаётига кучли таъсир кўрсатувчи, шунингдек, уларнинг маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсдаги институционал мавқеини оширишга қаратилган муҳим лойиҳа саналиб, олий таълимда инклюзия тамойилларини жорий этиш қуйидагиларга ёрдам беради:

- **Истеъдодларни жалб қилиш;**
- **Ҳамма учун инклюзив маданиятни яратиш;**
- **Фаровонликни қўллаб-қувватлаш;**
- **Инновация ва ривожланишни рағбатлантириш;**
- **Ҳамжамиятлар ва фикрларни диверсификация қилиш;**
- **Талабалар ва ходимлар учун имкониятлар яратиш;**
- **Олий таълим ва бошқа ҳамкорлар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари учун имкониятлар яратиш ва/ёки чуқурлаштириш.**

Ишчи гуруҳ тизимли ва консултатив ёндашувга таянган ҳолда, бирламчи вазифалар қаторида инклюзив таълимнинг асосий **манфаатдор томонларини аниқлаб олиш** ҳамда миллий ва халқаро тажрибага асосланган **Илғор амалиётлар бўйича қўлланмани** ишлаб чиқишга устувор аҳамият берди.

Ушбу илғор амалиётлар бўйича қўлланма Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим бўйича йирик ҳамкорлар, Буюк Британия олий таълимини таклиф этувчи трансмиллий таълим муассасалари ва бошқа асосий ташкилотлар билан мулоқотда ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқорида таъкидланган ва бошқа ташкилот ва муассасалардан олинган илғор тажрибалар намуналарига ҳаволалар берилади. Қўлланма Ўзбекистон ҳамда Буюк Британияда қабул қилинган ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси олий таълими муҳитида инклюзив таълим тамойилларини жорий этишда миллий қонунчилик, ижтимоий-маданий ўзига хослик ва таълим контекстларини, жамиятдаги долзарб ва нозик масалаларни инобатга

олиши шартлигини тан олади. Қўлланма 2024-йил март ойида бўлиб ўтиши режалаштирилган Ўзбекистон-Буюк Британия таълим форуми доирасида тақдим этилади ҳамда турли семинар ва конференциялар орқали манфаатдор томонларга етказилади.

Ушбу қўлланма лойиҳанинг ривожланиши сари доимий бойитиб борилиши лозим бўлган жонли ҳужжат ҳисобланади. Инклюзив университет ишчи гуруҳи бу масалага масъул ҳисобланади.

3. Қўлланма мақсад ва вазифалари

Мақсад: Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзияга эришишни қўллаб-қувватлаш ҳамда илғор миллий ва халқаро тажрибалар билан ўртоқлашиш.

Вазифалар:

- Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзияни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;
- Олий таълим тизимида инклюзив таълимни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар билан таъминлаш;
- Олий таълим тизимида инклюзив таълимни жорий этиш жараёнларини мисоллар орқали ёритиш;
- Олий таълим тизимида инклюзив таълимни амалга оширишнинг миллий ва халқаро тажрибаларидан мисоллар ва андозалар келтириш

4. Ўзбекистон олий таълим тизимида инклюзияни ривожлантириш

4.1 Устувор йўналишлар

Ўзбекистон олий таълим соҳасида тезкор эътибор қатарилиши лозим бўлган учта устувор йўналиш мавжуд:

- **Олий таълимда хотин-қизларнинг иштироки ва имкониятларини кенгайтириш;**
- **Ногиронларлиги бор шахсларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;**
- **Кам таъминланган оилалар вакиллари учун олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш.**

Мазкур Қўлланма ушбу соҳаларга асосий эътиборни қаратган ҳолда инклюзия бўйича чора-тадбирларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлайди.

4.2 Инклюзив олий таълим: стратегия ва сиёсат

Олий таълим муассасалари учун тавсия этилган чора-тадбирлар:

- Юқори турувчи раҳбарият қўллаб-қувватлови билан инклюзив таълим ёки тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия (ТХИ) бўйича олий таълим муассасасининг алоҳида стратегия ва сиёсатини ишлаб чиқиш;
- Ишлаб чиқилувчи сиёсатни тегишли маҳаллий қонун ҳужжатлари билан уйғунлаштириш;
- Ишлаб чиқилувчи стратегияни маҳаллий қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳамда илғор миллий ва халқаро амалиётдан фойдаланган ҳолда яратиш;
- Стратегияни ишлаб чиқиш давомида унинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида стратегияни таълим муассасаси ичида кенг муҳокамадан ўтказиш;
- Юқори турувчи раҳбарият таркибида стратегияни қўллаб-қувватловчи вакиллар мавжудлигини таъминлаш;
- Олий таълим муассасаси даражасида стратегияни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кўриб чиқиш, уни ривожлантириш ва стратегия бўйича амалга оширилган ишларни назорат қилиш ҳамда ҳисобот беришга масъул қўмита тузиш;
- Ишлаб чиқилган стратегия ва сиёсатга боғлаган ҳолда ҳаракатлар режасини яратиш ва ундаги чора-тадбирларнинг бажарилиш мониторингини йўлга қўйиш;
- Муайян масалаларни ҳал қилиш учун лойиҳа гуруҳларидан фойдаланиш;
- Инклюзия/ТХИ бўйича ишларни жадаллаштириш учун миллий ва халқаро миқёсда соҳада амалга оширилаётган ташаббусларда иштирок этиш;
- Эътибор ва ҳаракатларни талаб қилувчи устувор йўналишларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун маълумотлар базасини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

4.2.1 Стратегия

Инклюзия стратегияси – бу олий таълим муассасаларига (ОТМ) **тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия (ТХИ)** тамойилларини ўзларининг ҳар бир ҳаракати марказига қўйишга имкон берувчи, талабалар ва ходимларга, уларнинг хусусиятлари ва ҳозирги вазиятидан қатъи назар, ўзларини хавфсиз ва қўллаб-қувватланган ҳис қилишлари учун имкон берувчи механизм саналади. Бундай стратегиялар ишлаб чиқилганда ва амалиётга жорий этилганда, камситишга ўрин йўқ бўлган, фарқлар ҳурмат қилинадиган ва ҳамма билан тенг ва адолатли муомала йўлга қўйилган муҳит яратилади.

Инклюзия бўйича университет стратегиялари **тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия (ТХИ) стратегиялари** деган ном остида юритилиши мумкин. Улар йўл-йўриқ кўрсатиши ва университетнинг умумий стратегияси мазмунига сингдирилган бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга алоҳида **мустақил ҳужжат** бўлиши лозим. Улар миллий ёки халқаро миқёсдаги андозалар ва талабларини акс эттириши ҳамда тармоқ органлари ва экспертлар томонидан тақдим этилувчи илғор тажрибаларни акс эттириши мумкин (масалан, Буюк Британияда бундай стратегиялар тенглик тўғрисидаги қонунчиликка асосланиб, Олий таълимда сифатни таъминлаш агентлиги (QAA) ва Advance HE томонидан тақдим этилган моделлар ва услубий материалларга таяниши мумкин). Уларнинг алоҳида йўналишига қараб, бундай стратегиялар қуйидаги жабҳаларни қамраб олиши мумкин:

- **ходимларни ёллаш, ушлаб туриш ва хизмат поғоналарига кўтариш;**
- **талабаларни ўқишга қабул қилиш ва кейинги босқичларга ўтказиш;**
- **талабалар иштироки ва имкониятларини кенгайтириш;**
- **талабалар ва ходимларни қўллаб-қувватлаш;**
- **ходимлар малакасини ошириш ва ўқитиш;**
- **таълим-тарбия ва илмий тадқиқотда тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия;**
- **ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш;**
- **олий таълим муассасасидаги муҳит, иншоотлар ва ҳамжамият;**
- **олий таълим муассасасининг ташкилий тузилма ва бошқаруви.**

Олий таълим муассасасининг инклюзия бўйича стратегияси ёки ТХИ **муассаса миқёсида** бўлиши ва уни ривожлантираётган ОТМ контексти, маданияти ва кадриятларини акс эттириши лозим. Бундай стратегиянинг кенг қамровли ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун ОТМ раҳбарлари, ходимлари, талабалари ва бошқа муҳим манфаатдор томонлар билан **маслаҳатлашиш**, шунингдек, университет раҳбарияти ва бошқаруви томонидан фаол қўллаб-қувватланиши жуда муҳимдир. Инклюзия бўйича стратегияларни муваффақиятли амалга ошириш ва жорий этишда раҳбарият вакилларининг қўллаб-қувватлови жуда муҳимдир.

Маслаҳатлашув ва муҳокамаларга асосланган тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия стратегиясига Лондондаги **Вестминстер университетининг** стратегиясини² мисол қилиб келтириш мумкин. Тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия тамойилларига йўналтирилган ҳолда тузилган мазкур стратегия **аниқ амалга ошириш механизмлари ва доимий мониторингига** асосланади. Стратегияда белгиланган чора-тадбирлар мониторинги университетнинг **ТХИ қўмитаси** томонидан йилига икки марта кўриб чиқиладиган йиллик **ТХИ ҳаракат режалари** орқали амалга оширилади.³

ТХИ қўмиталари хилма-хиллик ва инклюзия бўйича ишлар режасини ишлаб чиқиш, унга тузатишлар киритиш ва мониторинг қилиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Вестминстер университети ТХИ қўмитасининг **ваколатларидан** кўриниб турибдики, қўмита одатда университетнинг академик, бошқарув ва талабалар жамоалари вакилларида таркиб топган ҳолда, юқори даражадаги институционал мажбурият ва етакчиликка ваколатига эга бўлиб, университет Ижроия кенгашига ёки унга тенглаштирилган университет органига ҳисобот беради.

4.2.2 Сиёсат

Олий таълим муассасасининг инклюзия бўйича стратегияси ёки ТХИ билан бир қаторда, ушбу йўналишда университетнинг аниқ **сиёсати** ёки низоми бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим муассасаси тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия бўйича низоми айниқса ўзида камситишга йўл қўймасликка доир **қонунчилик талабларини** акс эттириши лозим, ҳамда университетнинг уларга нисбатан қандай муносабатда бўлишини аниқ кўрсатиб бериши лозим. Ўзбекистон Республикасида ушбу талаблар ҳукуматнинг барча соҳаларда, хусусан, олий таълим соҳасида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларида ўз ифодасини топган. Ушбу саъй-ҳаракатлар мазмуни ва қўлами **Ўзбекистон-2030** стратегияси, тегишли **қонун, фармон, буйруқ ва қарорларда** аниқ акс эттирилган. Улардан ногиронлиги бўлган шахсларни олий таълим муассасасига қабул қилишга доир (**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил июндаги 417-сонли қарори**), ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир (**2017 йил декабрдаги ПФ5270-сонли Президент Фармони**), ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид (**2020 йил сентябрдаги 641-сон Қонуни**) ва хотин-қизлар масалаларига доир (**2022 йил мартдаги ПФ87-сонли Президент Фармони** ва **Вазирликнинг 2023 йил июлдаги 311-сон буйруғи**) каби ҳужжатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, **2023-**

² <https://www.westminster.ac.uk/sites/default/public-files/general-documents/Equality-Diversity-and-Inclusion-Policy-and-Strategy.pdf>

³ <https://www.westminster.ac.uk/sites/default/public-files/general-documents/EDI-Terms-of-reference-and-membership-2023-24-Jan-24-Version.pdf>

2024 ўқув йили учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган кенг қамровли намунавий иш режаси каби бир-бирига боғланган ҳаракат режалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг **2010 йилги Тенглик тўғрисидаги Қонуни** олий таълимдаги тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия бўйича сиёсатининг асосий ҳужжати ҳисобланади. 2010 йилги Қонун ва Давлат секторининг тенглик мажбуриятига асосланган ҳолда ОТ ТХИ сиёсати билан боғлиқ материаллар Буюк Британия олий таълим муассасалари учун Office for Students (OfS) томонидан ишлаб чиқарилиши керак бўлган **Фойдаланиш имконияти ва иштирок этиш** режаларини ўз ичига олади. Улар озчилик гуруҳларига мансуб талабалар учун имкониятлар тенглигини яхшилаш ҳамда олий таълим билан қамраб олиниш имкониятини кенгайтириш, олий таълимда муваффақиятга эришиш ва ривожланишини таъминлашга мўлжалланган.⁴

Буюк Британия ТМТ ҳамкорларининг бундай режаларига **Вестминстер университети**⁵ ҳамда **Қироллик қишлоқ хўжалиги университетининг**⁶ режалари мисол бўла олади.

4.2.3 Мавжуд амалиётлар

ТХИ қўмиталари билан бир қаторда, **лойиҳа гуруҳлари** ёки **ишчи гуруҳлар** тенгсизлик ва камситиш билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилиш ва тегишли низомлар ёки йўриқнома материалларини ишлаб чиқишда самарали восита ҳисобланади. Тенгсизлик ва камситиш масалаларини ҳал этишда **соҳа миқёсидаги олий таълим ташаббуслари** билан ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Буюк Британия контекстига бундай ташаббусларга мисол сифатида гендер тенглиги масаласига қаратилган “Athena Swan” Низоми⁷ ҳамда Ирқий тенглик Хартияси⁸ мисол бўла олади.

Ва ниҳоят, инклюзия билан боғлиқ **маълумотларни** аниқлаш, бирлаштириш ва улар билан ишлаш жуда муҳим амалиёт ҳисобланади. Маълумотлар базасини яратиш одатда ТХИ билан боғлиқ қонунчилик талабларини акс эттиради. Маълумотларга таянган ҳолда ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш ОТМларга турли хил талабалар гуруҳлари, хусусан, кам таъминланган талабалар дуч келадиган муаммо ва тенгсизлик ҳолатлари, шу жумладан ўзлаштиришдаги бўшлиқлар

⁴ <https://www.officeforstudents.org.uk/advice-and-guidance/promoting-equal-opportunities/access-and-participation-plans/>

⁵ <https://www.westminster.ac.uk/about-us/our-university/corporate-information/policies-and-documents-a-z/access-and-participation-plans>

⁶ <https://www.rau.ac.uk/access-agreements-and-access-and-participation-plans>

⁷ <https://www.advance-he.ac.uk/equality-charters/athena-swan-charter>

⁸ <https://www.advance-he.ac.uk/equality-charters/race-equality-charter>

билан боғлиқ (айниқса аҳолининг заиф гуруҳлар қатлаמידан келувчи талабалар орасидаги) муаммоларни аниқлашга ва уларга самарали ечимлар таклиф этишда қўл келади. Бундай усул ўзгаришларни амалга ошириш, олий таълимда инклюзияни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш ҳамда бу саъй-ҳаракатларга ходимлар ва талабаларни кенг жалб қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Advance HE бу борада, хусусан Буюк Британия қонунчилигини акс эттирувчи бебаҳо йўриқнома таклиф этади.⁹

Олий таълим муассасалари учун назорат саволлари:

- Сизнинг муассасангиз олий таълимда инклюзия стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиққанми?
- Ишлаб чиқилган стратегия барча тегишли йўналишларни қамраб олганми?
- У миллий ва халқаро миқёсдаги илғор тажрибалар ва амалиётларга асосланганми ва тегишли қонунчиликни ўзида акс эттирганми?
- Стратегия ўз ичига белгиланган мақсадларга эришиш ва уларга эришилганлик даражасини мониторинг қилиш бўйича ҳаракатлар режасини қараб оладими?
- Стратегия раҳбарият вакилларини ўз ичига олган қўмита ёки ишчи гуруҳ томонидан қўллаб-қувватланадими?
- Ишлаб чиқилган инклюзив олий таълим сиёсати тегишли қонунчиликни ўзида акс эттирадими?
- Сиёсат ва стратегия ходимлар ва талабалар билан маслаҳатлашиш асосида ишлаб чиқилганми?
- Стратегияни қўллаб-қувватловчи юқори турувчи раҳбариятдан вакиллар борми?
- Сизнинг муассасангиз инклюзив таълимни ривожлантириш мақсадида маълумотлар базасини шакллантирадими ва улардан фойдаланадими?
- Ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган инклюзив таълим стратегияси ва сиёсати қандай ва қайси йўналишларда ижобий натижа бермоқда ва ўзгаришларга сабаб бўлмоқда?

4.3 Инклюзив олий таълим: инклюзив таълим дастурлари

Олий таълим муассасалари учун тавсия этилган чора-тадбирлар:

- Инклюзив таълим дастурларини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш. Бу ўз ичига ўқув режасини тузиш, фан дастурларини яратиш, фан мазмунини

⁹ <https://www.advance-he.ac.uk/guidance/equality-diversity-and-inclusion/using-data-and-evidence>

шаклантириш ва тақдим этиш, зарур ўқув материаллари ва ресурслари, ўқув фаолияти турлари, ўқитиш методлари, баҳолаш ва қайта алоқа (фидбек) бериш шакл ва механизмларини, бу борада профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш кабиларни ўз ичига олади.

- Инклюзив таълим дастурларини ишлаб чиқиш жараёнига талабаларни жалб қилиш;
- Инклюзив таълим дастурининг олий таълим муассасаси миқёсидаги таълим стратегиясининг ва профессор-ўқитувчи, ходимлар малакасини ошириш фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини таъминлаш;
- Барча талаба ва ходимларнинг, профессор-ўқитувчи ва бошқарув ходимларининг, таълим дастурларида инклюзивликни таъминлаш афзалликларидан хабардор эканлигини ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишларини таъминлаш;
- Инклюзив ўқув материаллари ва ресурсларини тақдим этишни қўллаб-қувватлаш, уларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш ҳамда инклюзив таълим дастурларини ишлаб чиқиш учун етарли молиявий ресурслар мавжудлигини таъминлаш;
- Инклюзив таълим дастури бўйича ишларни такомиллаштириш мақсадида соҳа миқёсидаги ташаббусларда иштирок этиш, миллий ва халқаро миқёсдаги илғор тажриба ва амалиётлардан ўзини-ўзи баҳолаш материаллари сифтада фойдаланишни йўлга қўйиш;
- Инклюзив таълим дастурлари бўйича педагогик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.

Таълим ва тарбия, ўқув жараёни олий таълимнинг энг асосий фаолият тури бўлиб, унда инклюзивликни таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга ва бунда **таълим дастури** унинг асосини ташкил қилади. **Инклюзив таълим дастури келиб чиқиши ва шароити турлича бўлган талабаларга** ўрганиш, ривожланиш ва муваффақиятга эришиш учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлади. Бунда талабалар ўзлари билан олий таълим муассасаларига олиб келувчи турли хусусият ва тажрибаларни тан олади ва улардан унумли фойдаланишга қаратилган бўлади. Таълим дастури, **ўқув режаси, фан мазмуни ва уни тақдим этиш, ўқув материаллари ҳамда ресурслари, ўқув фаолияти турлари, ўқитиш методлари, баҳолаш ва қайта алоқа қилиш амалиёти, таълим дастурларини амалиётга тадбиқ этувчи ходимлар малакасини ошириш** барча талабалар учун қулай ва уларнинг эҳтиёж ва талабларига мос бўлишини таъминлаш инклюзив таълим дастурининг ажралмас қисмидир.

Инклюзив таълим дастурини яратиш **талабаларни ҳамкорликка чорлаш** орқали амалга оширилиши мумкин. Бунга мисол сифатида **Вестминстер университети**

томонидан амалга оширилаётган таълим дастурларини деколонизация қилиш бўйича фаолиятини келтириш мумкин.¹⁰

Талабар билан ҳамкорлик қилиш инклюзив таълим дастурларини ишлаб чиқишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, ушбу ёндашувнинг ўзи ўз моҳиятига кўра инклюзив саналади.¹¹

Буюк Британия Олий таълим Академиясининг 2011 йилдаги **олий таълимда инклюзив таълим дастурларини** ишлаб чиқиш бўйича қўлланмаси инклюзив ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун бебаҳо манба ҳисобланади. Қўлланма ўз ичига контекст, мантиқий асос, асосий тамойил ва таркибий қисмлар бўйича материаллардан ташкил топган.¹²

Таълим дастурида тенглик, хилма-хиллик ва инклюзияга йўналтирилган ва **назорат рўйхати ва ўзини-ўзи баҳолаш материалларини** ўз ичига олган бошқа асосий манбалар қаторига Advance HE томонидан таклиф этилган “ТХИни ўқув дастурига сингдириш: дастур стандарти”¹³ ва Инклюзив таълим моделини киритиш мумкин.¹⁴

Инклюзив таълим дастури талабалар **турли хусусият, эҳтиёж ва талабларга** эга эканлигини тан олади. Инклюзив таълим дастурини ишлаб чиқишга ёндашувлар талабаларнинг олий таълимга турли хил ҳолатлар, компетенция ва тажрибалар билан кириб келишини тан олади ва бу ўзига хосликларни **ўқув дастурини ишлаб чиқишда, уни тақдим этишда, ўқитиш методларини танлашда, фойдаланиладиган ўқув материал ва ресурсларида, шу жумладан машғулотларда фойдаланиладиган материаллар ва ўқув адабиётлари рўйхатини** шакллантиришда ҳисобга олишни назарда тутди. Бундай ёндашувлар, шунингдек, турли хил талабалар гуруҳларининг турли эҳтиёжлари ва ўқув услубларини қондириш учун анъанавий ва ноанъанавий усулларни ўз ичига олган **баҳолаш амалиётлари, шакл ва усулларидан** фойдаланишни тақозо этади. Бундай ёндашувлар самарали қўлланилганда, таълим жараёнини талабалар учун янада қулай ва мазмунли бўлишига ва ўз навбатида ижобий ўқув фаолияти натижаларига эришишга хизмат қилади.

Инклюзив таълим дастурлари бўйича ишлар алоҳида йўналишларда ҳам олиб борилиши мумкин. Бу йўналишлардан бири **ногиронлиги** бор талабалар учун мос таълим дастурларини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон контекстида **Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети** кўзи ожиз ва ногиронлиги бор тил ўрганувчилар учун чет тилларини ўқитиш усулларини

¹⁰ <https://blog.westminster.ac.uk/psj/>

¹¹ <https://www.westminster.ac.uk/current-students/university-life/get-involved/students-as-co-creators>

¹² https://s3.eu-west-2.amazonaws.com/assets.creode.advancehe-document-manager/documents/hea/private/resources/introduction_and_overview_1568037036.pdf

¹³ <https://www.advance-he.ac.uk/sites/default/files/2019-09/Assessing%20EDI%20in%20the%20Curriculum%20-%20Programme%20Standard.pdf>

¹⁴ <https://www.gaa.ac.uk/membership/collaborative-enhancement-projects/equality-diversity-and-inclusion/the-inclusive-education-framework>

ишлаб чиқишга қаратилган ва нафақат ўрганиш, балки мотивация ва иштирокни кучайтиришга қаратилган “Билим нури” лойиҳасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Инклюзив таълим дастурининг асосий йўналиши бўлган билим, кўникма ва малакаларни **баҳолаш амалиётига** тўхталадиган бўлсак, кўришда нуқсони бўлган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **Гулистон давлат университети**га кириш имтиҳонларида кўзи ожиз абитуриентларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиҳон комиссияси таркибига кўзи ожизлар жамияти вакили киритилган бўлиб, ёзма ва оғзаки имтиҳонларда кўзи ожиз абитуриентлар Брайл ёзуви ва дафтарларидан фойдаланиш мумкин. Худди шу тарзда, **Гулистон давлат педагогика институти**да ҳам кўзи ожиз талабаларни оралиқ назорат ва якуний имтиҳонларда оғзаки баҳолаш амалиёти йўлга қўйилган. Бунда имтиҳон саволлари фан ўқитувчиси томонидан оғзаки тарзда тақдим этилади, кўзи ожиз талабалар ўз навбатида Брайл ёзувидаги дафтарлардан фойдаланган ҳолда, жавобларни ёзиб олишлари ва тайёрлашлари ҳамда оғзаки жавоб беришлари мумкин. Шунингдек, **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўлими** ходимларга жисмоний имконияти чекланган талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мақсадида баҳолаш топшириқлари форматига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича маслаҳатлар бериб келмоқда. Ушбу ўзгартиришлар ногиронлиги бор талабаларнинг ўзига хос қийинчиликларини инобатга олган ҳолда киритилиб, уларга ўқув фаолияти натижаларига эришганлигини тенгдошлари билан бир хил даражада намоёниш қилиш имконини беради ва шу билан бирга академик стандартларга бир хилда риоя этилишини таъминлайди. Баҳолаш топшириқларига киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларга мисол сифатида дислексик талабаларга имтиҳонларда қўшимча вақт бериш ва нутқида нуқсони бор талабаларга оғзаки тақдимот ўрнига ёзма топшириқлардан фойдаланиш каби ўзгартиришларни киритиш мумкин.

Гендер таасубга ва жинсни ҳисобга олувчи таълим дастурлари, методика ва ўқув ресурсларига эътибор инклюзив таълим дастурлари бўйича ишларнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу аёл талабаларнинг тажрибаси ва эҳтиёжлари ўқув жараёнини режалаштиришда, тақдим этишда, ўқув жараёнида фойдаланиладиган материалларда акс этишини таъминлашни назарда тутаяди. Гендер хусусусиятларини инобатга олувчи таълим дастурларини яратиш ва уларни тақдим этишга мисол сифатида 2021 йил июн ойида **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ)** томонидан ташкил этилган тадбиркор аёллар учун бизнес-тренинг курсини келтириш мумкин.¹⁵ Мазкур тренинг курслари Ўзбекистонда ва ундан

¹⁵ <https://exedu.wiut.uz/component/k2/item/21-business-training-for-women-entrepreneur>

ташқарида аёлларнинг касб танлашидаги ва касбий талабларидаги ўзгаришларга жавобан ташкил этилган.¹⁶

Инклюзив таълим дастурларининг афзалликлари **ходимлар малакасини ошириш** ҳамда **ўқув жараёнига оид тадбирлар** орқали профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ҳамда бошқа манфаатдор томонлар орасида кенг тарғиб қилиниши лозим. Таълим сифати, тенгликни ва ҳар бир талабанинг таълим олиш тажрибасини яхшилаш билан бир қаторда инклюзив таълим дастурини ишлаб чиқиш ва уни тақдим этиш ОТМнинг обрўсини оширишга ёрдам беради ҳамда уларнинг ижтимоий муаммоларга ечимлар таклиф этишдаги саъй-ҳаракатлари орқали жамият олдидаги ҳисобдорлигини оширади. Инклюзив таълим дастурларини йўлга қўйиш олий таълим муассасаларидан, айниқса ўқув ресурслари ва университет ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ ишларда кўп миқдорда сармоя киритишни талаб этади. Бундай сармояларнинг фойдаси харажатлардан анча устундир.

Олий таълим муассасалари учун назорат саволлари:

- Сизнинг муассасангиз таълим дастурларини янада инклюзив қилиш бўйича режа ишлаб чиққанми?
- Режа барча тегишли соҳаларни қамраб олганми?
- Режа миллий ва халқаро миқёсдаги илғор амалиётлар, ўз-ўзини баҳолаш саволлари ва назорат рўйхатига таянадими?
- Ишлаб чиқилган режа барча талабаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таълим эҳтиёжларини акс эттирадими?
- Ишлаб чиқилган режа ходимлар ва талабалар билан маслаҳлашиш асосида яратилганми?
- Бу сизнинг муассасангиздаги педагогик тадқиқотлар натижаларига таянадими?
- Режани амалиётга тадбиқ этиш учун ходимлар малакасини ошириш ва зарур ресурслар билан таъминланганми?
- Режада белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мониторинги қандай амалга оширилади?
- Режа қандай ва қайси йўналишларда ижобий натижа бермоқда ва ўзгаришларга сабаб бўлмоқда?

4.4 Инклюзив олий таълим: талабаларни қўллаб-қувватлаш ва қулай шароит

¹⁶

<https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/064a4e902764e6b957a6c12b6fcb536f4c20314ecc097fb9882bddc8ab50a4e4.docx>

Олий таълим муассасалари учун тавсия этилган чора-тадбирлар:

- Талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивлик ва қулай муҳит университет стратегияси ва фаолиятини режалаштиришнинг асосий ва мувофиқлаштирилган таркибий қисми эканлигини таъминлаш;
- Талабаларни қўллаб-қувватлашда хилма-хиллик ва инклюзияга алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш (маиший шароит, АКТ, АРМ, кутубхона, талабалар турар жойлари, молиявий масалалар);
- Бутун университет муҳити ҳамма учун қулай бўлишини, ўқув ресурслари ва инфратузилмаси барча талабаларнинг тўлиқ иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, ресурслар, иншоотлар ва олий таълим муассасаси ҳудудини лойиҳалаштиришда инклюзивлик тамойиллари эътиборга олинганлигини таъминлаш;
- Олий таълим муассасаси муҳити ва иншоотларини ривожлантириш ишлари ҳамда қўллаб-қувватлаш механизмлари эҳтиёжларга мослигини таъминлаш мақсадида талабалар ва ходимлар билан маслаҳатлашиш;
- Ходимлар учун хилма-хиллик, инклюзия ва талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тренинглар ташкил этиш;
- Талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивлик ва имкониятларни таъминлаш талаба, абитуриент ва ходимларнинг эътиборига тўлиқ етказилишини таъминлаш;
- Талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивлик, қулай муҳит ва ёрдамчи воситалар ва технологияларни етказиб бериш учун молиявий ресурслар мавжудлигини таъминлаш;
- Талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивлик ва ҳамма учун фойдаланиш имконияти бўйича ишларни кучайтириш мақсадида миллий ва халқаро миқёсдаги ташаббуслар, илғор тажрибалар бўйича материаллар билан танишиш ва эксперт ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Олий таълимда инклюзив таълим таълим дастури мазмуни ва уни ишлаб чиқиш билангина чекланмайди. **Талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларда инклюзивлик ва барча талабаларга адолатли муносабат ва уларга тўлиқ фойдаланиш имкониятини берадиган қулай муҳит ва иншоотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

Инклюзияни устуворлигини таъминлайдиган талабаларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва иншоотлар (маиший шароит, ИТ, кутубхона, турар жой, ҳудуд) ҳамда кампусни режалаштириш жараёнлари университетларга камситишга қарши ва талабалар учун қулайлик, фойдаланиш имконияти ва иштирок этиш йўлидаги

тўсиқларга қарши курашишга имкон беради. Бу борада **талабалар ва ходимлар билан маслаҳатлашиш** муҳим аҳамиятга эга. Улар ОТМларга **келиб чиқиши турлича бўлган, турли шароит ва вазиятдаги талабаларнинг** эҳтиёжларини олдиндан билиш, режалаштириш ва қўллаб-қувватлашга имкон беради, бу эса **барча талабаларга университетнинг таълим, маданий ва ижтимоий ҳаётида тўлиқ иштирок этишларига ва ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш** имконини беради. Ҳудди шу сингари, улар муайян талаба гуруҳлари/алоҳида талабаларнинг ўзига хос эҳтиёжларига жавоб бериш чораларни (**“оқилона ўзгартиришлар”**) жорий этишга имкон беради. Аммо асосий мақсад ҳар доим, **иложи бўлса, баъзи талабалар учун махсус шароитларни яратиш ўрнига, барча талабалар учун инклюзия, фойдаланиш имконияти ва иштирок этишдаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилмоғи лозим.**

Ногиронлиги бор талабаларга тенг имкониятлар яратиш, таълим хизматларидан фойдаланишда тенг имконият бериш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар инклюзив олий таълимнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Бундай ишларнинг диққат марказида қуйидагилар киради, аммо фақат шулар билан чекланмайди:

- **Жисмоний ногиронлик**
- **Визуал ва эшитиш қобилиятида нуқсонлар**
- **Дислексия**
- **Ўрганишдаги фарқлар**
- **Аутизм ҳолатлари**
- **Руҳий саломатлик билан боғлиқ ҳолатлар**
- **Узоқ муддатли тиббий ҳолатлар**

Буларга мисол тариқасида Ўзбекистондаги бир қатор ОТМлар¹⁷ ташаббусларини келтириш мумкин, хусусан, **Тошкент ахборот технологиялари университети**¹⁸ Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда камситишга қарши курашиш ва махсус таълим эҳтиёжига эга шахсларнинг таълим олиш ва жамиятда фаол иштирок этиш ҳуқуқини ривожлантиришга қаратилган Erasmus+ доирасидаги “DECIDE” лойиҳасидаги иштирокини киритиш мумкин.¹⁹ Мазкур лойиҳа доирасида ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш ва ихтисослашган ходимларни ёллаш талабига йўналтирилган саккизта модулдан иборат таълим дастури лойиҳаси илғор тажрибалар алмашинуви, қўшма ташаббуслар ва кўникмаларни ривожлантириш учун муҳим катализатор сифатида, махсус таълим эҳтиёжлар соҳасидаги минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириш ва кенгайтиришга қаратилган.²⁰

“DECIDE” доирасидаги фаолият шуни кўрсатадики, **ходимларнинг компетенцияларига эътибор** талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивликни

¹⁷ <https://decideproject.ie/partners/>

¹⁸ <https://tuit.uz/en/post/decidelojhasi>

¹⁹ <https://decideproject.ie/about/aims-and-objectives/>

²⁰ <https://decideproject.ie/modules/>

таъминлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Кадрлар малакасини оширишда махсус ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ноёб тажрибалар ва амалиётлар билан ўртоқлашишга имконият яратиши мумкин. Бунга мисол сифатида 2022 йил май ойида **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг (ТХВУ)** Касбий ва ҳаёт давомида таълим олиш маркази, талабаларни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Тошкент шаҳар ногиронлар жамоат бирлашмаси ҳамда “Шароит Плюс” ташкilotи билан ҳамкорликда ташкил этилган ногиронлиги бор шахслар инклюзияси ва огоҳликни ошириш бўйича тренингни келтириш мумкин.²¹

Олий таълим муассасаси ходимлари, талабалари ва абитуриентларига мавжуд қўллаб-қувватлаш хизматлари ҳақида аниқ ва батафсил маълумот бериш ва улар билан самарали **мулоқот** ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунга мисол сифатида Буюк Британиянинг ТМТ бўйича ҳамкор университетларидан **Бангор университети**²² ҳамда **Вестминстер университети**²³ томонидан ногиронлиги бўлган талабалар учун онлайн тақдим этилган маслаҳат материалларини олиш мумкин. Қўллаб-қувватлаш хизматлари, ёрдамчи технологиялар ва жисмоний ва рақамли фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги тўғрисида батафсил маълумот бериш жуда муҳимдир²⁴.

Дилмурод Юсуповнинг²⁵ таъкидлашича ишлайдиган **лифтлар ва рампалар ҳамда** жисмоний ногиронлиги бўлган ва/ёки ҳиссий (кўриш ва эшитишда) нуқсонли бўлган талабалар учун олий таълим муассасасининг барча бинолари ва иншоотларидан қулай фойдаланиш имконияти, олий таълим муассасасида таклиф этилувчи таълим хизматларидан тўсиқларсиз фойдаланиш имконини берувчи технологиялар яратилмас экан, талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзияга эришиб бўлмайди. **Брайл алифбосидаги белгилар, дарсликлар ва махсус материаллар, сурдо таржимон хизматлари, махсус дастурий таъминотлар, экран ва ҳарф катталаштиргичлари ҳамда ўқиш воситалари, индукция/эшитиш ҳалқаларининг мавжудлиги** кабилар киради. **Талабаларда** ёрдамчи технологиялардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган **техник саводхонлик** даражасига эришиш, шунингдек, **ходимларнинг** аудиториядаги вазифалари ва роли ҳақида **хабардорлигини ошириш** каби жуда муҳимдир. Талабаларнинг **турли эҳтиёжларига мослаштирилган мослашувчан вақт жадвали, ўрганиш йўли ва маърузаларни ёзиб олиш тартиблари** каби инклюзив таълим тузилмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, ногиронлиги бор талабалар учун бино ва иншоотлардан фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда уларнинг махсус мослама ва жиҳозларга эҳтиёжларини қондириш мақсадида **Тошкент давлат**

²¹ <https://exedu.wiut.uz/component/k2/item/30-training-on-inclusivity-persons-with-disabilities>

²² <https://www.bangor.ac.uk/student-services/disability/index.php.en>

²³ <https://www.westminster.ac.uk/current-students/support-and-services/disability-learning-support>

²⁴ <https://www.westminster.ac.uk/sites/default/public-files/general-documents/access-guide-for-disabled-students.pdf>

²⁵ <https://cabar.asia/en/uzbekistan-how-to-ensure-higher-education-accessibility-for-people-with-disabilities>

иктисодиёт университети, таълим олиш муҳити қулайлиги ва инклюзив ёрдамни таъминлаш учун мос қулайликлар ва хизматларни ишлаб чиққан. ²⁶ Ушбу яратилган имкониятлар қаторига университетда кўриш ва эшитиш қобилияти заиф талабалар учун жиҳозлар, жисмоний ногиронлиги бор талабалар учун мослаштирилган ҳожатхоналар ва университет бинолари ва турар жойларга кириш учун пандуслар киради.

Талабаларни инклюзив қўллаб-қувватлашга **мувофиқлаштирилган ёндашув** жуда муҳимдир. Масалан, **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТВХУ)** талабалар ҳаётининг барча босқичларида, шу жумладан талабаларни ўқишга қабул қилиш, уларни руйхатга олиш, таълим бериш ва баҳолашда талабаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган университетнинг барча бўлимларидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида махсус **Хилма-хиллик ва инклюзивликни қўллаб-қувватлаш бўлими (ХИБ)** ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида талабаларга турли хил хизматлар ва имкониятлардан фойдаланиш имконини янада кенгайтиради. ХИБ таълимни қўллаб-қувватлашда муҳим функциясини бажаради, шунингдек, ногиронлиги ва махсус таълимий эҳтиёжга эга талабаларга маслаҳатлар ташкил этилади. ХИБ, шунингдек, таълим муҳитида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий қийинчиликларни олдиндан инobatга олган ҳолда тегишли тузатишлар киритиш амалиётини ҳам йўлга қўйган. У, шунингдек, абитуриентларни ўқишга қабул қилиш, таълим бериш ва баҳолаш ҳамда ўқув ресурслари ва бошқа университет объектларидан фойдаланиш жараёнларида махсус таълим эҳтиёжларига эга бўлган талабаларга имконият яратиш мақсадида университет инфратузилмасига **тузатиш ва ўзгартиришлар** киритиш бўйича тавсиялар бериб боради.

Ногиронлиги бўлган талабалар ёки кам таъминланган оилалар каби ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлар учун имконият яратувчи **махсус маблағ** талабаларни инклюзив қўллаб-қувватлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, **ТВХУ** ногиронлиги бор абитуриентларга ўқиш учун тўлиқ грантлар, шунингдек, ота-онаси ногирон бўлган, етим ёки боқувчисидан маҳрум бўлган талабаларга таълим олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида қисман грантлар таклиф қилади. **ТВХУ** шунингдек, 2023 йилги Болалар ёзги ижодий мактабида кам таъминланган оилалардан келган бир нечта ёш ўқувчиларининг ёзги мактабдаги иштирокини тўлиқ молиялаштирди.

Ва ниҳоят, барча талабалар ва ходимлар ўзларини керак ва муҳим ҳис қилувчи, жамоа руҳини яратиш инклюзивликка эришишнинг асосий талабларидан бири саналади. Талабаларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва биргаликда ишлаши ҳамда тадбирлар дастурлари ва талабалар ва ходимлар орасидаги хилма-хиллик ҳақида хабардорликни оширадиган ва нишонлайдиган вакиллик амалиётларнинг барчаси, ҳар қандай шароитдан қатъи назар, университетлар ҳамма учун қулай муҳит бўлишини таъминлашга ёрдам берадиган усуллардир. Масалан, аёл ҳамкасблар ва ёки

²⁶ <https://tsue.uz/en/static/facilities-for-the-disabled>

ногиронлиги бўлган ҳамкасбларни бирлаштирган **ходимлар орасидаги тармоқлар** инклюзив университет ҳаётига катта ҳисса қўшиши, тажрибаларни ўртоқлашиш ва турли хил нуқтаи-назарларни эшитиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мумкин бўлган қўллаб-қувватлов ва хавфсиз маконларни яратиши мумкин. Худди шу функцияни **талабалар гуруҳлари** ҳам бажариши мумкин.

Олий таълим муассасалари учун назорат саволлари:

- Сизнинг муассасангиз талабаларни қўллаб-қувватлаш хизмати, муҳити ва имкониятларини инклюзив қилиш режасини ишлаб чиққанми?
- Режа барча тегишли соҳаларни қамраб олганми?
- Режа ўзида амалдаги қонунчиликни акс эттирадими?
- У миллий ва халқаро миқёсда илғор амалиётга асосланганими?
- У ўзида барча талабаларнинг эҳтиёжларини акс эттирадими?
- У талабалар ва ходимлар билан маслаҳатлашув ва эҳтиёжлар таҳлили асосида ишлаб чиқилганми?
- Режада назарда тутилган ишларни амалга ошириш учун ходимларни тайёрлаш ишлари амалга оширилганми ва ресурслар билан таъминланганми?
- Режада назарда тутилган ишларни амалга оширишда ихтисослашган ташкилотлар билан ишлаш кўзда тутилганми?
- У ходим ва талабалар тармоқларини яратишни рағбатлантирадими?
- Режада белгиланган вазифалар ва чора тадбирларнинг амалга оширилиши қандай мониторинг қилинади?
- Қўллаб-қувватлаш режаси талаба ва ходимларга эътиборига етказилганми?
- Режа қандай ва қайси йўналишларда ижобий натижа бермоқда ва ўзгаришларга сабаб бўлмоқда?

4.5. Инклюзив олий таълим: ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонлар билан ишлаш

Олий таълим муассасалари учун тавсия этилган чора-тадбирлар:

- Олий таълимда инклюзияни ривожлантириш ва тақдим этишни кучайтириш учун ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонлар билан иш олиб бориш;

- Илғор амалиёт билан ўртоқлашиш ва инклюзив олий таълим бўйича ҳамкорликда лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ТМТ ва олий таълимда халқаро ҳамкорлик алоқаларидан фойдаланиш;
- Талабаларга, хусусан, кам таъминланган ва заиф гуруҳларга мансуб талабаларга менторлик қилиш ишларига ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонларни жалб қилиш.

Ҳамкорликда ишлаш инклюзив олий таълимни бир неча жиҳатдан мустаҳкамлайди. Инклюзив олий таълимни ташкил этишда ҳамкорлик бир қатор ташкилотлар билан олиб борилиши мумкин. Улар сирасига инклюзивликнинг муайян масалаларига қаратилган ихтисослашган ташкилотлар, тренинг хизматларини таклиф этувчи ташкилотлар, миллий ва халқаро таълим бўйича консултация хизматларини таклиф этувчи органлари, миллий ва халқаро олий таълим ҳамкорлари, тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия соҳасида тадқиқот олиб борувчи миллий ва халқаро ташкилотлар ёки заиф аҳоли қатламидан келувчи талабаларга ўз касбий маҳоратини ошириш йўналишларида ёрдам таклиф этиши мумкин бўлган битирувчилар ва иш берувчилар билан ишлашдан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳамкорлик фаолиятлари олий таълимда инклюзия бўйича янги фикрлаш ва университетларга инклюзив таълимни режалаштириш, ривожлантириш ва тақдим этиш учун янги имкониятлар яратади.

Инклюзив олий таълимни йўлга қўйишда **трансмиллий таълим (ТМТ)** муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш қимматли восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳамкорлик алоқалари ёрдамида ҳамкор муассасалар ўртасида илғор амалиёт ва тажрибалар алмашилишини йўлга қўйиш ва ҳамкор олий таълим муассасалари томонидан тақдим этиладиган таълимнинг инклюзивлик даражасини янада кенгайтиришга қаратилган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилиши мумкин.

Менторлик (устоз-шогирд тизими) - бу ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонлар, шу жумладан битирувчилар ва иш берувчилар томонидан инклюзив таълим беришни қўллаб-қувватладиган муҳим механизм ҳисобланади. Шароити оғир талабалар учун – масалан, аёл талабалар, ногиронлиги бўлган талабалар ва кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларни илҳомлантирувчи устоз-шогирд анъанасида ҳамкорликда иш олиб бориши, айниқса келиб чиқиши ва вазиятлари ўхшаш шахсларнинг биргаликда ишлаши, ҳаёт сифатини ўзгартириб юборувчи тажриба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Менторлик дастурларининг таъсир қўламини **Вестминстер университети** томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган «Future Ready» менторлик схемаси мисолида кўриш мумкин.²⁷

²⁷ <https://www.westminster.ac.uk/current-students/employability-and-career-development/exploring-careers/future-ready-mentoring>

Олий таълим муассасалари учун назорат саволлари:

- Сизнинг муассасангиз инклюзив таълимни ривожлантириш учун ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш режасини ишлаб чиққанми?
- Сизнинг муассасангиз қийин шароитдаги талабаларни қўллаб-қувватлашни яхшилаш учун ҳамкор ташкилотлар, иш берувчилар ва/ёки битирувчилар билан ҳамкорлида ишлар олиб борадими?
- Ҳамкорлик қандай ва қаерда фойдали бўляпти ва ижобий ўзгаришларга туртки бўлмоқда?

4.6 Инклюзив олий таълим: халқаро миқёсда мавқени ошириш

Олий таълим муассасалари учун тавсия этилган чора-тадбирлар:

- БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан олий таълимда инклюзив таълимни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, унинг аҳамиятини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш;
- Олий таълим муассасасининг глобал миқёсдаги мавқени ошириш мақсадида Барқарор ривожланиш мақсадлари/тенглик хилма-хиллик ва инклюзияга алоқадор баҳолаш/рейтинг механизмлари билан ишлаш.

Гендер тенглиги, тенгсизликни камайтириш ва сифатли таълим бериш **БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ)**²⁸ асосий тамойиллари ҳисобланади. БРМлар билан ишлаш бутун дунё бўйлаб ОТМлар учун устувор вазифадир. Бундай ишлар олий таълим муассасаларининг таълим, маданий ва ижтимоий ҳаётини яхшилади, уларнинг ташқи алоқаларини кучайтиради ва глобал миқёсдаги мавқени янада мустаҳкамлайди. Буни “**Times Higher Impact Rankings**”²⁹ мисолида кўриш мумкин. THE томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган рейтинг механизми ОТМларнинг БРМларга эришганлик даражасини баҳолайди. Инклюзив олий таълим бериш орқали 5 (Гендер тенглиги), 10 (Тенгсизликни камайтириш) ва 4 (Сифатли таълим) каби БРМларни қўллаб-қувватлаш университетларга нафақат **таълим мақсадларига**, балки Таъсир рейтинги каби **самарадорлик мезонлари** билан боғлиқ мақсадларга ҳам эришишга ёрдам беради. Бундан ташқари, таълим сифати ва тенглик билан боғлиқ БРМлар билан ишлаш ОТМларга ўзларини глобал ўзгаришларга содиқ бўлган ижтимоий масъулият ва жавобгарлик ҳиссига эга муассаса сифатида халқаро ўрин тутишга имкон беради ва янги халқаро алоқаларни ўрнатиш имкониятларини кенгайтиради.

Олий таълим муассасалари учун назорат саволлари:

- Сизнинг муассасангиз БРМлар билан ишлаш режасини ишлаб чиққанми?

²⁸ <https://sdgs.un.org/goals>

²⁹ <https://www.timeshighereducation.com/impactrankings>

- Режа инклюзив таълимни қандай қўллаб-қувватлайди ва яхшилайти?
- Режа қандай ва қаерда таъсир кучига эга бўлмоқда ва қандай ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда?

4.7 Инклюзив олий таълим: амалиётга жорий этиш

Олий таълимда инклюзияга эришиш ва ушбу жараёни қўллаб-қувватлаш доимий жараён ҳисобланади. Бу мониторинг, кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш элементларига эга бўлган қатъий амалга ошириш механизмларини талаб қилади. Уни амалга ошириш механизми модели қуйида келтирилган:

Университетнинг инклюзив таълим сиёсати ва стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш → Юқори раҳбариятнинг етакчилиги ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш → Сиёсатда тегишли миллий қонунчилик асосларини акс эттириш → Стратегияда миллий қонунчилик ҳамда маҳаллий/ҳалқаро илғор амалиёт ва тажрибаларни акс эттириш → Стратегияга инклюзив таълим ва тарбия, инклюзив таълим дастури, инклюзив талабаларни қўллаб-қувватлаш ва инклюзив маданият, муҳит ва имкониятлар каби асосий йўналишларни киритиш → Стратегия якуний вариантларини ишлаб чиқишда асосий манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш → Асосий манфаатдор томонлар вакилларида таркиб топган стратегияни жорий этиш, қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун масъул бўлган қўмита тузиш → Аниқ мақсадлар, кўриб чиқиш ва ҳисобот бериш вазифалари ва ҳисобот бериш тартибини акс эттирувчи қўмитанинг ваколатлари ҳужжатини яратиш → Мониторинг, ҳисобот бериш, кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш жараёнларига асосланган ҳаракатлар режасини тузиш → Инклюзив олий таълим билан боғлиқ ҳаракатлар маълумотларга таянган ҳолда олиб борилишига ишонч ҳосил қилиш → Профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, айниқса етакчилик лавозимида бўлганлар ходимларнинг малакасини ошириш орқали хабардорликни ва инклюзив таълим билан машғул бўлишни рағбатлантириш → Стратегия, сиёсат ва ҳаракатлар режаларини кўриб чиқиш жараёнларининг доимий бажарилишини таъминлаш → Стратегия ва ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун ташқи ҳамкорлар ва манфаатдор томонлардан фойдаланиш.

5. Инклюзив олий таълим манфаатдор томонларини аниқлаш

5.1 Ўзбекистондаги ихтисослашган ташкилотлар / инклюзия бўйича тренинг хизматларини таклиф этувчи ташкилотлар

- Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси <https://ozna.uz/>

- Ўзбекистон ногиронлар жамияти (ЎНЖ) <https://www.uznj.uz/>
- Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти (ЎКОЖ) <https://uzkoj.uz>
- Ўзбекистон кар-соқовлар жамияти (ЎКЖ)
<https://t.me/DeafsocietyofUzbekistan>
- Тошкент шаҳар ногиронлар жамоат бирлашмаси “ШАРОИТ ПЛЮС”
<https://sharoitplus.uz/en/homepage/>
- LLC PRAXIS PLUS инклюзив ижтимоий ташкилот <https://praxis.uz/>

5.2 Олий таълимда инклюзивлик масалалари билан шуғулланувчи Буюк Британия ташкилотлари

- Advance HE <https://www.advance-he.ac.uk/>
- Quality Assurance Agency
<https://www.qaa.ac.uk/membership/collaborative-enhancement-projects/equality-diversity-and-inclusion>
- Office for Students <https://www.officeforstudents.org.uk/about/equality-and-diversity/>
- Sutton Trust <https://www.suttontrust.com/our-priorities/higher-education/>

Библиография, адабиёт ва қўшимча манбалар рўйхати

Умумий

Олий таълимда инклюзия нима? // <http://blog.insidegovernment.co.uk/higher-education/what-is-inclusion-in-higher-education>

Инклюзив таълим фреймворки // <https://www.gaa.ac.uk/membership/collaborative-enhancement-projects/equality-diversity-and-inclusion/the-inclusive-education-framework>

Student Recruitment, Retention and Attainment // <https://www.advance-he.ac.uk/guidance/equality-diversity-and-inclusion/student-recruitment-retention-and-attainment>

Инклюзив таълим дастурлари

Олий таълимда инклюзив таълим дастурларини яратиш // https://s3.eu-west-2.amazonaws.com/assets.creode.advancehe-document-manager/documents/hea/private/resources/introduction_and_overview_1568037036.pdf

Таълим дастурига тенглик, хилма-хиллик ва инклюзия тамойилларини сингдириш // <https://www.advance-he.ac.uk/sites/default/files/2019-09/Assessing%20EDI%20in%20the%20Curriculum%20-%20Programme%20Standard.pdf>

Инклюзив таълим фреймворки // <https://www.gaa.ac.uk/membership/collaborative-enhancement-projects/equality-diversity-and-inclusion/the-inclusive-education-framework>

Талабаларни қўллаб-қувватлашда инклюзивлик

DECIDE лойиҳаси // <https://decideproject.ie/about/aims-and-objectives/>

Қулай бинолар ва иншоотлар // <https://www.advance-he.ac.uk/guidance/equality-diversity-and-inclusion/creating-inclusive-environment/accessible-estates-and-facilities>

Ногиронлик

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида // <https://lex.uz/docs/5049549>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // <https://lex.uz/docs/3436196>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари

асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // <https://lex.uz/docs/3765162>

Ногиронлиги бор шахслар // <https://www.advance-he.ac.uk/guidance/equality-diversity-and-inclusion/creating-inclusive-environment/disabled-people>

Олий таълимда ногиронлиги бор шахслар учун имкониятлар яратиш бўйича назорат рўйхати // <https://www.timeshighereducation.com/campus/checklist-making-disability-inclusion-reality-higher-education>

Ўзбекистон: ногиронлиги бор шахслар учун олий таълим олиш имкониятини қандай кенгайтириш мумкин? // <https://cabar.asia/en/uzbekistan-how-to-ensure-higher-education-accessibility-for-people-with-disabilities>

<https://dilmurad.me/webinar-on-inclusive-education-how-to-combat-ableism-in-uzbekistan/>

<https://dilmurad.me/the-role-of-ngos-in-developing-inclusive-education-in-uzbekistan/>

Юсупов, Д. (2019) Инклюзив олий таълим //Gazeta.uz 02.03.2019, <https://www.gazeta.uz/ru/2019/03/02/disabled/>

Абдухалилов, А., Юсупов, Д. (2021) Нега кўр ўқитувчилар камситилади? //Gazeta.uz 18.08.2021, <https://www.gazeta.uz/ru/2021/08/18/teachers/>

Гендер тенглиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // <https://gender.edu.uz/Hujjatlar/%D0%9F%D0%A4-87.pdf> <https://lex.uz/uz/docs/-5899498>

Гендер тенглиги // <https://gender.edu.uz/>

Олий таълимда гендер тенглиги: таъсирни кучайтириш.// https://www.britishcouncil.org/sites/default/files/gender_equality_in_higher_education_report.pdf

Илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида гендер тенглиги режалари бўйича йўл харитаси //

https://eige.europa.eu/sites/default/files/gear_roadmap_02_successfactors_obstacles_0.pdf